

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● 24 (2288)

● 1991 ЙИЛ 19 МАРТ

● СЕШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИЯНН

ДОЛЗАРБ СУҲБАТ

Латофатли «Баҳорой» кутлайди

Асрлар силсиласидан омон чиққан, юртининг имонини кўтарасига сотган ҳоқими мутлоқлар қатағонига дош берган Наврўз яна кўҳна ўзбек тупроғининг энг азиз байрами сифатида элимизга қайтди.

Улуснинг шод-хуррамлигига ҳам-андўҳ соя ташламаслиги йўлидаги хизматга бел боғлаган тартибот посбонларининг ўзлари ардоқли миллий байрамни қандай нишонлашади! Мухбиримизнинг бу ҳақдаги саволларига ЎзССЖ ички ишлар вазири ўринбосари полковник Қ. Б. БОЙМУРОДОВ жавоб беради.

— Қурбонбой ака, суҳбатни бошлашдан бурун Сизни кириб келаётган Наврўз билан муборабод этишга рухсат бергайсиз.

— Катта раҳмат. Сизни ҳам, «Постда» рўзномаси орқали унинг барча ўқувчиларини ҳам қадри биланд ва табарруж айёмимиз билан чин дилдан кутлайман. Янаги йил кўкламида очиқ чехра билан юз кўришгунга қадар сизларга тан сўхатлик, хуш кайфият, оилавий тотувлик ва осойишталик тилайман.

— Қайси бир умумхалқ хурсандчилигини олманг, ички ишлар ходимларида сергаклик ошса ошадими, сира пасаймайди. Эл тинчлигининг кўриқчилари ҳам миллатнинг фарзандидир. Шундай экан, улар хизматда хушёр туриш билан бир қаторда байрам таъналарига ҳам иштирок қилишадими?

— Ғайратжон, тўғри таъкидладингиз, милиционерлар — халқнинг бағрида ўсган, тарбияланган, у берган нон эвазига рўзгор тебрататган кишилар. Шунинг ўзи уларнинг Наврўзга бўлган муносабатини белгилаб ту-

рибди. Жумҳуриятдаги барча ички ишлар идораларида Наврўзни кўнгилли ўтказишни таъминлашга, уни муносиб нишонлашга пухта тараддуд кўрилмақда.

Мен жумҳурият миқёсида нималар режалаштирилгани, улар қандай савияда амалга оширилиши ҳақида башорат қилолмайман. Зеро халқ сайлларининг ўзига хос ёзилмаган қонунлари бор. Лекин ИИВ марказий идорасининг байрам дастури билан таъиништириб ўтишим мумкин.

21 мартга ўтар кечаси вазирилик ҳовлисида ўрнатилган иккита дошқозонда сумалак пиширилади, эрталаб соат 8 дан 10 гача баҳорнинг суюкли таоми дастурхонга тортилади. Ҳиммати биланд аёлларимиз пиширган сумалак ва ёпган кўксосма, кўкпатирлардан касалхонада даволанаётган ҳамкасбларимизга, оталиғимиздаги болалар уйи тарбияланувчиларига жўнатамиз. Тушликка эса палов тайёрланади.

Шу кунни ҳалок бўлган ходимлар оилалари ҳузурда бўлиб, баҳоли қудрат моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатилади. Мен фурсатдан

фойдаланиб жойлардаги ички ишлар идоралари раҳбариятини савоб ишдан четда қолмай ўзлари хизмат қилаётган ҳудудда яшайдиган ана шундай ўқик қалбларни хушнуд этишга, кўнгилларини кўтаришга ҳақираман.

— Қурбон Боймуродович, ўзбекининг бирорта байрами турли-туман мусобақа, айтишув, табриксиз ўтмайди...

— Нима демоқчи бўлганингизни билганим учун, ижозатингиз билан, сўзингизни бўлмоқчиман. Наврўз иштирокчиларини кўкламдай тиниқ, латофатли «Баҳорой» кутлайди, уларга қарата дил сўзларини қариллик гаштини сураётган фахрияларимиз айтишади.

Уртага ёзиладиган кураш гиламида эгнига чопон кийган полковлар баҳси ташкил этилади, бошқарма ва бўлимларнинг кучи тўлиб-тошган азаматлари арқон тортиш, тош кўтариш мусобақаларида қатнашишади. Қечқурун эса барча ИИВ клубидаги байрам базмига таклиф этилади. Унда сеvimли ҳофизимиз Шерали Жўраев қатнашиши кўзда тутиляпти. Шунингдек, Собит Асомовнинг ичануэди хангомалари, ИИВ халқ чолғу дастаси санъаткорларининг дилрабо куй-қўшиқлари йиғилганларни мириқиб қордиқ чиқаришга хизмат қилади. Хуллас, эл тинчлигини асраш Наврўзни зўр шодиёналик билан нишонлашга қўшиб олиб борилади.

Суҳбатдош Ғайрат ЖўРА.

малари учун жавобгарликни кучайтириш зарурдир. Токи, жиноятчини топиш ва ушлашда, тергов қилишда милиция ходимларининг чеккан машаққатлари бир гап билан ҳавога бугдай учиб кетмасин.

Маҳкам ҲАКИМОВ.



Утган якшанба кунини жумҳуриятимиз фуқаролари эрта тонгдан референдум ўтказувчи участкалар томон кела бошладилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Собир Раҳимов тумани 9-табиҳонасида жойлашган овоз бериш участкасида фикрини билдириш истагида келганлар сўров қозғаларини олишмоқда.

2. (чалдан ўнгга) Тошкент шаҳар ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходими, ички хизмат катта лейтенанти Ҳамдам Орипов ва Собир Раҳимов тумани ИИБ участка вакили, милиция сержанти Уткир Усаровлар овоз беришмоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.



ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

ЎзССЖ Президенти И. А. Каримов бошлиқ жумҳурият давлат делегацияси яқинда кўшни Қирғизистон жумҳурияти диебига ташриф бурди. Икки халқ учун ҳам ардоқли ҳисобланган Уш шаҳрида қардош жумҳуриятлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. У Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Аҳди олийларига асосланиб тузилди.

Ушбу шартнома томири битта бўлган ўзбек ва қир-

ғиз халқлари тарихида янги саҳифа очди. Шартномада икки жумҳурият ички ишлар идораларига тааллуқли бандлар ҳам бор. Жўмладан, 7-моддада: «Олий аҳдлашувчи томонлар тенг ҳуқуқлилик асосида, шу жўмладан, умумий мувофиқлаштирувчи институтлар орқали амалга ошириладиган ўз ҳамкорликлари доирасига:

... — жиноятчиликка қарши кураш масалалари киришини эътироф этадилар», — дейилган.



МЕН ҲАМ ҚЎШИЛАМАН

Мен шу йилнинг 26 февралда рўзномада босилган А. Зикриллаевнинг «Обрунинг баҳоси» сарлавҳали мақоласи юзасидан баён

фикрларимни ўртоқлашмоқчиман. Мақолада баён қилинган воқеа ҳақиқатдан ҳам учраб туради. Жабрланувчи, гувоҳ ва холисларнинг берадиган кўрсат-

Қўшни Афғонистонда 1986-87 йилларда Ҳайратон-Қобул трассасида босмачилар тўдаси томонидан машина карвонига кўплаб хужумлар бўларди. Қобул шаҳри аҳолисига олиб кетилаётган иқтисодий ёрдам: кийим-кечак, озиқ-овқатлар мўлжалланган манзилга етиб бормасди. Масалани тинч йўл билан ҳал қилиш муаммоси турарди. Бу вазифа тadbиркорлиги билан кўзга кўринган Анатолий Касьяновга юкланди. Анча изланишдан сўнг сарандой (афғон милицияси) ходимини босмачилар тўдаси нчига, яъни душман уясига юборишга қарор қилинди. Орадан кўп ўтмай элчи тўда бошлиғи шахсан Касьянов билан суҳбатлашмоқчи эканлигини маълум қилди.

Афғонистон жумҳурияти ИИВ намоёндаларидан рухсат олинган, Касьянов билан 5 киши сафарга ҳозирлик кўра бошлади. Аммо учрашув тайинланган жойга келганимиздан кейин маълум бўлдики, уларнинг каттакони, агар хоҳишимиз бўлса, тўда қароргоҳида суҳбатлашишни лозим топилди. Таклифни эшитган ҳаманоқ афғон сарандойларининг эътирозига қарамасдан Касьянов рози-

ЧИНДАН БОСҚИНЧИМИДИ?..

лик берди. Йўлда кетаялмиш-у, афғон ҳамкасбларимиз у ерга бориш ўта хавфлигини, улар алдаётганини, бизлар билан бир оғиз ҳам суҳбатлашмай асфалосфинга ёки Покистонга жўнатишларини қайта-қайта айтишди. Қобул-Саланг трассасида 4 километрча юриб, душман қароргоҳи томон йўл солар эканмиз, соқчиликда турган совет солдатларига Касьянов таъинлади:

— Биз фалон жойга кетаётибмиз, мабодо ўқ овози эшитилса, бизни шу ерда ҳалок бўлганимизни марказга етказингллар.

Бир томони боғ-роғ, иккинчи тарафи биланд девор йўлга машинамиз арант сизгади. Бундай йўлларнинг ҳар бир қаричига мина қўйилиши шубҳадан холи эмасди. Машина йўлнинг торлигидан тезлигини туширган. Ҳаммамиз қуролларимизни ҳар эҳтимолга қарши тахт қилиб қўйганмиз, гарчи қўйиладиган миналардан ҳар дақиқада портлаб кетиш хавфини туйсакда, охири нима билан

туғашини ҳеч ким билмасди. Шу тариқа қароргоҳга ҳам етиб келдик. Машинадан тушишимиз билан бизни қуролланган аскарлар ўраб олишди. Асабларимизни бир жойга йиғишга ҳаракат қиламиз. Зум ўтмай қуршовни ёриб бир одам келдида, Касьяновни, мени ва бир афғон ходимини ичкарига бошлаб кетди. Уч афғон ходими машина ёнида қолишди. Ичкари жуда қоронғулигидан ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Бир амаллаб зинама-зина иккинчи қаватга кўтарилдик. Хонада жуда салобатли, хушрўй бир киши кутиб турарди. Тўда бошлиғининг биринчи берган саволи шу бўлди:

— Қандай журъат билан келдинглар. Сизларни Покистонга жўнатиб юборсам қандай бўларкан? Менинг ўзим 60 дан ортиқ кўриқчим билан келдим. Атроф менинг одамларим билан ўралган. Энди бу ердан ҳеч қаёққа чиқиб кета олмай-сизлар.

Мен алданганимизга ишондим. Фуратни бой бермаслик учун...

Йўқ, у бизларни дастурхонга таклиф қилди. Бир оздан сўнг қобулий палови тортилди. Меҳмондорчиликдан сўнг музокаралар бошланди. Анча баҳслардан кейин улар Қобул-Саланг трассасининг маълум жойларида юк карвонларига ўзга тўдалар томонидан ҳам ҳужум қилмаслиқни таъминлашга, умуман ушбу трассада ҳеч қандай нохушлик бўлмаслигини кафиликка олдилар. Шундан сўнг ҳақиқатдан ҳам улар томонидан манзил давомида бирор машиналар қаторига ўқ узилмади ва бошқа босқинчилар тўдасига ҳам ўқ узишга йўл қўймадилар.

Бугун бу воқеалар кино лентасидай кўз олдимдан ўтар экан, «бизлар босмачилар тўдасининг бослиғи деб атаган кимсани, нафақат уни, балки унинг атрофидагиларни чиндан ҳам босқинчи дейишимиз ўрилинмиди?» деган савол қийнайди.

Юнусхон ШАЛОЕВ, милиция капитани, байналмилалчи жангчи.

«О!» ХАБАР ҚИЛАДИ

14 март кунини соат 9 дан 45 минут ўтганда Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида истиқомат қилувчи Жабборовлар хонадониде бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Газ баллонни портлаши натижасида 1984 йилда туғилган Умида оғир тан жароҳати олди ва касалхонада ҳаётдан кўз юмди. Зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш учун оиланинг бошқа тўрт аъзоси даволаш муассасасига ётқизилди.

Шу кунини соат 16.20 да эса Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги газ тўлдирини ҳеҳида ҳам фалокат юз берди. Технологик жараён талабларига риоя қилмасликдан келиб чиққан ёнғин оқибатида ҳеҳ ишчиларидан беш киши турли хил тан жароҳати олган ҳолда шифохонага келтирилди.

Мирзоҳид МИРЗОИТОВ, ички хизмат майори.

Йўл интизомни ёқтиради №2

Маълумотларга қараганда Китоб туманида 140 минг аҳоли яшайди. Корхона, ташкилот, хўжаликлар ва фуқаролар ихтиёридаги машина, трактор ва автомобилларни қўшиб ҳисоблаганда 13 мингта транспорт воситаси бор. Олмаота-Термиз магистраллида ҳамда Самарқанд вилояти билан боғловчи доводда ҳаракат узилмайди.

Ана шу сершовқин ва гавжум ҳудудни назорат қилиш, автофалокатларнинг олдини олиш Китоб тумани ИИБ ДАН ходимлари зиммасида.

Хўш, улар бу масъулиятли вазифани қандай адо этишяпти?

— Фаолиятимиз ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлишингиз учун бир-иккита рақамларни биргаликда таҳлил этсак, — дейди бўлима бошлиғи, милиция катта лейтенанти Бахтиёр Турдиев. — Қаранг, 1989 йилда 7 минг 146 марта ҳайдовчилар томонидан ҳаракат хавфсизлиги қондалари бузилганини қайд этган эканмиз, ўтган йили эса 12 минг 326 марта.

Ана шу икки рақамнинг замирида ДАН ходимлари ҳушёрликни оширганларини, масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилаётганларини кўриш мумкин. Қисқа қилиб айтганда улар ой сайин, йил сайин ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш борасидаги тажрибаларини такомиллаштирмоқдалар. Қондабузарларга вақтида танбеҳ берилишининг ўзинёқ ижобий натижаларни кўрсатмоқда.

Мисол учун 1990 йилнинг дастлабки икки ойида 14 та автофалокат рўй берган бўлса, бу йил январь-февраль ойлари мобайнида 9 та кўнгилсиз йўл ҳодисаси содир этилди.

Ҳар ҳолда, оз бўлса ҳам, яхши томонга силжиш бўляпти.

— Ана шу муваффақият-

нинг сабабини бизга ҳар томонлама шарт-шароит яратиб берилаётганида, деб биламан, — дейди Б. Турдиев суҳбатни давом эттириб. — Туман раҳбарлари билан ҳамкорликда автошаҳарча қурилишига 20 минг сўм маблағ ажратишга қарор қилинганди. Биз бу ташаббусни янада ривожлантириб, милиция ходимлари учун мўлжалланган дам олиш зонасига ўхшаш бир маскан қуриш ҳаракатини бошлаб юбордик. Мўъжазгина меҳмонхона барпо этилиб, дам олиш

ратчилари вилоятда биринчи бўлиб, икки сменада хизмат қилишни ташкил этдилар. Корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 8 нафар ходимнинг ишга олиниши ана шунга имкон яратди. Эндиликда 17 нафардан иборат йўл назоратчилари кечаю кундуз ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга киришадилар.

ДАН бошлиғи хонасида ўтирганимизда бир йигит кириб келди. Исм-шарифи Суворон Султонов бўлиб, «Китоб» давлат хўжалигида жойлашган вино пункти-

рақамли «ГАЗ-52» машинани бошқариб келаётганда инспектор Тожи Пиримов эътиборини тортди. Ароқнинг сархушлиғи учунми ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини олдириб қўйишидан чўчидими, ҳар қалай инспекторнинг тўхташ ҳақида ишорасига бўйсунмай қочишга уриниб кўрди. Лекин бузоқнинг югургани сомонхонагача, дейди донолар.

— Тошкент кўчасидаги 41-уйда яшайдиган ўртоғим Рауфниқига баллонли газ олиб боргандим. Қўярда-қўймай ароқ ичкизди. Кейин...

— Афсус, қонунларимиз ҳали мукамал эмас, — деди Б. Турдиев. — Сизнинг маст ҳолда рулга ўтирганингиз учун ўртоғингиз Рауф ҳам жазоланса яхши бўларди. Чунки бундайлар одамгарчилик қиламан деб кўпинча фожиали фалокатларга сабабчи бўладилар.

Воқеанинг давоми янада қизиқ кечди. Туман газлаштириш идорасининг бошлиғи Шуҳрат Ҳамроев ИИБ бошлиғига кўнғироқ қилиб, айбдор ҳайдовчи Жўрақул Тошев «гуноҳидан ўтишни» сўради. Буни қандай тушуниш керак? Катта бир ташкилотнинг раҳбари ўз қўли остидаги ходимнинг интизомини муҳокама этиш, жамоат иззаси бериб, уни тўғри йўлга солиш ўрнига даллол вазифасини бажарса.

— Бундай раҳбарлар кўп, — дея суҳбатга қўшилади милиция лейтенанти Илёс Урмонов. — 10 та маст ҳайдовчини ушласак, йўқ деганда 8 тасининг орқасидан одам келади, бошлиқларга учрашиб, гуноҳини яширишимизни илтимос қилишади. Лекин биз бундай ҳолатларга муросасизлик билан муносабатда бўламиз. Чунки остана ҳатлаб кўчага чиққан одамнинг тақдири йўлдаги интизомга ва бизнинг талабчан бўлишимизга боғлиқ.

Раҳмон АЛИ.

Шароит яхшилангач

қунарида мароқли ҳордиқ чиқариш учун, албатта, онлайин бўлиб, шарт-шароитлар муҳайё қилинади. Айтганларимнинг ҳаммаси шундоққина ДАН пости орқасида бўлади.

Мен энг яхши инспекторлар билан ҳам мулоқотда бўлдим. Милиция лейтенанти Ашур Жўраев, милиция старшинаси Тожи Пиримов, милиция лейтенанти Илёс Урмоновлар ҳам кейинги пайтларда хизмат самарасини яхшилаш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликлардан беҳад мамнун эканликларини билдирдилар.

280 минг сўм маблағ сарфлаб, Китоб шаҳрининг энг гавжум жойида ерости ўтиш йўли қурилди. Йўллар тор бўлганлиги ҳисобга олиниб, автомашиналар учун тўхташ жойлари барпо этиляпти. Яна иккита светофор объекти режалаштирилган. Шуниси қувончлики, ана шундай ташаббуслар шаҳар ижроия қўмитаси раиси Маҳмуд Султонов томонидан қизгин қўллаб-қувватланаёпти.

Фақат шунинг ўзигина эмас. Китоблик йўл назо-

да ишчи бўлиб хизмат қиларкан. Маълум бўлишича, у аввал маст ҳолда рулни тутгани учун милиция лейтенанти Илёс Урмонов томонидан тўхта-тилган ва 12 ой муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган экан. Бу жазо унга сабоқ бўлмаган кўринади. 20 февраль куни «Урал» мотоциклни миниб кетаётганда инспектор Шавкат Ҳайдаров томонидан тўхтатилди. Яна маст экан.

— Ўтган йил давомида икки ва ундан кўп марта маст ҳолда ушланган ҳайдовчилар жиноий жавобгарликка тортилгандилар. — дея изоҳ берди. Б. Турдиев. — Лекин барибир «бирни кўриб фикр қил» деган мақолага амал қилмаётганлар учраб туради. Суворон Султонов ишини ҳам ЎзССЖ ЖМнинг 2081-моддаси асосида чора кўрилиши учун судга оширамиз.

Жўрақул Тошев туман газлаштириш идорасида ҳайдовчи бўлиб ишлайди. У 21 февраль куни кеч соат 21 ларда Карл Маркс кўчаси бўйлаб «78-88 КФМ»

МАҚОЛАГА МУНОСАБАТ

Ичирган ҳам жазолансин

«Постда» рўзномасининг ҳар бир сонини мароқ билан мутолаа қилишга ўрганиб қолдим. Айниқса, 2 февраль сонидида босилган «Фалокат оёқ остида» номли мақолада мени ҳам кўпдан бери ўйлан-тириб келаётган муаммо қаламга олинганлигидан севиндим.

Ўтган 1990 йил давомида жумҳуриятимиз ҳудудида 3 минг 166 киши автофалокат туфайли ҳаётдан кўз юмиди. Ишончим комилки, шуларнинг кўпига ароқ деб аталмиш захри қотил сабабчи.

Муаллиф мулоҳазаларини тўла-тўқис қўллаб-қувватлайман. Чиндан ҳам, мени маъзур тутсинлар-у, ёшлар орасида ичкиликка ружу қўйганлар ортиб бораёпти. Тўй-томошаларда рулдаги одамга мажбурлаб ароқ тутқазаётганлар ҳам кўп. Маст ҳолда кетаётиб, кимнингдир умрига завол бўлган ҳайдовчилар муносиб жазоланганини кўп эшитдим. Лекин уни мажбуран ичкизган «орзи маймоқ»лардан биронтаси жавобгарликка тортилгани ҳақида эшитмадим. Ваҳоланки, уларнинг айби ҳам рулдаги қонунбузарликдан кам эмас.

Парламентда ўтирган депутатлар ана шу нуқтаназардан келиб чиқиб, қонунларимизга ўзгартириш киритишлари шарт. Бу ишни пайсалга солиб бўлмайди.

Муҳаммадҷон МАМАЖОНОВ,
Советобод шаҳри.



ФАРҶОНА вилояти ИИБ давлат автомобиль назорияти бўлими ходимлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўлида қатор ишларни амалга оширишмоқда. Ҳайдовчилар билан ўтказилаётган турли-туман тадбирлар жуда яхши самара бераётир. Чунки йўл ҳаракати қондаларининг бузилиши олдини олиш қайғули воқеалар юз бермаслигида муҳим ўрин тутуши шакл-шубҳасиз. Бу тадбирларда ДАНнинг «Қанчугай» пос-



тида навбатчилик қилаётган ходимлар ҳам фаол иштирок этишмоқда.

СУРАТЛАРДА: милиция сержанти Аҳмадҷон Болтабоев ҳаракат тезлигини назорат қилмоқда; милиция катта лейтенанти Исмоилҷон Мамазиев эса ҳайдовчи билан тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Ғулмоҷон УБАЙДУЛЛАЕВ олган суратлар.

РУЛДАГИ «ЧАЛАСАВОДЛАР»

Бугунги кунда ҳаракат воситаси бўлган автомашина билан боғлиқ кўнгилсиз воқеаларга тўхталиб ўтсак. Биргина шу йилнинг 5 мартада Тошкент шаҳримизда еттига йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериб, унда етти киши турли жараҳатлар билан касалхонага ётқизилган.

Йўлдаги нохўшликларнинг олдини олиш бўйича ДАН ходимлари тинмай иш олиб боришмоқда. Чунончи йил бошидан бери 130921 марта йўл ҳаракати қондасини бузган ҳайдовчилар ушланиб, маъмурий жазога тортилдилар. 15106 пиёдага жарима солинди.

Албатта, фақат жазолаш билан ижобий натижага эри-

шиш қийин. Шу борада қондабузар ҳайдовчиларнинг билимини аниқлаш фикри туғилди. Натижада И. Борбеков 6, С. Цзю, О. Ҳасанов 5, Д. Бозоров, Р. Лалазелар 4 мартадан имтиҳон топширсаларда, синовдан ўтолмадилар. 5 март куни билими текширилган 108 ҳайдовчининг 36 нафарини синовдан ўтишга муваффақ бўлди. Шунинг ҳам айтиш керакки, қондабузар ҳайдовчиларнинг ҳар учтасидан бири ўзларининг ҳам, бизнинг ҳам вақтимизни ўғирлаб, овораю сарсон бўлишмоқда. Озгина тайёргарлик кўриш, сабр-тоқат, ўзини ва ўзгани ҳурмат қилиш шунчалар қийинми? **Раҳматдин МУҲИДИНОВ.**



ТУНГИ соат 12 ларга яқин Халқлар Дўстлиги кўчасидаги паннога «ВАЗ-2106» белгилли автомашина урилди. Маълум бўлишича, ҳайдовчи рулни маст ҳолатда бошқарган экан. Бир неча жойидан жараҳат олган ҳайдовчи касалхонага ётқизилди.

СУРАТДА: шиканланган машина.



ТОШКЕНТ тумани ички ишлар бўлими ДАН бўлими йўл-патрул хизмати инспектори, милиция катта сержанти Аҳмадҷон Мадаминовни ҳайдовчилар талабчан посбон сифатида билишади. Бу талабчанликнинг сабаби битта. Йўлга чиққан ҳайдовчи кўнгилсизликка дуч келмасин.

СУРАТДА: А. Мадаминов хизмат пайтида.

Ольга ЖУРАВЛЕВА олган сурат.

БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

СОФ ҲАВО УЧУН

Муштарийларнинг ёдида бўлса, рўзномамизнинг шу йил 15 январь № 5 сонидида А. Комилонинг «Эътиборсизлик тонайгача?» сарлавҳали мақоласи босилган эди.

Ушбу мақола муаллифи атроф-муҳитга транспорт воситалари чиқараётган зарарли газлар ҳақида баҳс юритиб, ана шуларга чора кўрилишини таклиф этганди.

Қўйида ушбу масала юзасидан ЎзССЖ ИИБ ДАН бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги М. Ваулиннинг жавоб хатини келтирамиз.

Жумҳуриятимизда атроф-муҳитни транспортнинг зарарли газ чиқиндиларидан ҳимоя қилиш борасида давлат автомобиль назорияти томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар йили жумҳуриятимизнинг ҳамма шаҳарларида, аҳоли пунктларида 2 мартабада «гоза ҳаво» операцияси ўтказилади.

1990 йилда чиқинди газларнинг миқдори амалдаги низом талабларига жавоб бермаганлиги сабабли 25 мингта яқин транспорт воситаларидан фойдаланиш вақтинчалик тақиқланди. Автохўжаликларнинг 1200 га яқин мансабдор шахсларига маъмурий чоралар кўрилди.

Аниқланган камчиликлар ҳақида фирқа ва шўро идораларига 364 та хабарлар юборилди.

Бу каби тадбирлар давом эттирилмоқда.

ҚАЧОН ЯШАЙМИЗ?

«1991 йил 22 февралда Тошкент вилоятида яшовчи, 1963 йилда туғилган, ишламайди-ган фуқаро Т. уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, бир челақ солярни устидан куйиб, ўзига ўт куйиб юборган. Фуқаро Т. касалхонага ётқизилган».

(УзССЖ ИИБ навбатчилик қисми маълумотидан).

Чувалашган ўйларимни баҳорнинг биринчи куниданоқ елкасига кетмон ташлаб қайси бири этик, бошқаси калш кийиб далаларга йўл солган аёллар тортади. Уларга қараб «тирикчиликда», деб ўзимни чалғитаман. Иложим борича қадр-қиммат, яна шунга ўхшаш тушунчаларни кўзгатмай дейман. Ростдан ҳам тирикчиликда.

Булар-ку кетмонини елкасига ташлаб заминий ташвишлар билан юришибди-я, қаердадир узоқда эса устига солянка куйиб ўзини ёқиб юборган аёлнинг ҳаётдан нима алами бор?

Автобуснинг силкиниб тўхташи ҳаёлимни бўлади. Бир аёл раҳмат айтиб ундан тушади. Ҳамма ёқ дала, узоқ узоқда бир неча уйларнинг томи кўринади.

— Бу ерда яшашни тасаввур қилгин-а, — дейди орқа ўриндида ўтирган рус аёли ёнидагисига.

— Кошона қуриб беришганида ҳам яшамасдим, — дейди ҳамроҳи.

Менам яшамасдим дейман

ичимда, гарчи ҳаётда бирор кимса кошона қуриб қўйиб, унда яшайсанми, деб ҳеч қачон мендан сўрамаслигини билсамда.

Минг истиҳола билан М.лар хонадонига қадам қўяман. Ҳол-аҳвол сўрашиб, қизнинг соғлигини сўрайман. Онаизордан ўша кунгидеки шифонада оламдан ўтганини эшитиб, тилимга сўз келмай қолди (чуқки менга Т. ни касалхонада деб айтишганди). Устимдаги қизил кўйлак, елкадаги ялтироқ рўмолимдан уяламан. Билсамдан дардини янгилаганимга ўзимдан хафа бўламан. Она эса юм-юм йиғларкан, қизнинг 10 ёшга соппа-соғ ўсгани, 11 ёшларида тутқаноқ касалига чалингани, тез-тез йиқилиб қолаверганидан кўриб мактабга ҳам юбормай қўйгани, жуда меҳнатсевар, ўта сезгирлиги, ҳайвонларга меҳрибонлиги, ҳатто кўча болаларига ҳам ё қурт ё писта улашганлари ҳақида гапирарди.

— Охирги пайтларда ўзи ҳам айтарди, турмуш қурмасам, ишламасам, болам бўлмасам, яшаб нима қилдим, деб. Доим пойлаб юрардим, бирор нарса қилиб қўймасин деган хавотирда. Витта-ю битта ўғлимни Афғонистонга хизматга олишганди. Хат келмай қолган кунлари ўзимни қўярга жой топмасдим. Бир кунни йиғлаб ўтирсам, «нега йиғлайсиз, соппа-соғ қайтадиган болага, сира сиқилманг, ҳеч нарса бўлмайди унга», — деганида чиппа-

чин ишонгандим. Айтганидай, худого шукур, соғ-омон қайтди.

— Ҳаммамиздан ҳам меҳрибонроқ эди, биз-у меҳр нималигини билмаймиз, — дея ўпкаси тўлиб гап бошлади синглиси. — Кўрган тушлари доимо ўнг келарди. Сигир, бузоқ, ит, мушуклар билан худди одамлардек гап-лашарди. Кўпчилик баъзан уни масхара ҳам қиларди.

Бундан беш-олти йил бурун чой дамламоқчи бўлганида хуружи тутиб қаттиқ куйган, лекин врачларга олиб бормай, қўшнанинг маслаҳати бўйича қандайдир ёғ топиб уйда даволашганини ички бир ўқинч билан гапирарди. Тутқаноғи юзасидан икки мартагина касалхонага ётқизиб даволашган, олган муолажаларидан сўнг анча ўзини яхши тутган экан. Иккинчи даволашида қандайдир дори ёзиб беришган, шу кунгача рецептсиз таниш-билиш қилиб, амаллаб топиб ичкизиб туришган. Бир неча авлиё жойларга олиб боришибди, эскичасига ўқитиб, айтилган барча амалларни бажо келтиришгани ҳам бирор наф бермабди.

Психиатр ёки психоневролог врачга кўрсатдингизми деган саволга: «Йўқ, шу ишни қилмабмизда», — дейишди афсусланиб.

Ким билади, агарда ўз вақтида врачларга кўрсатиб, тегишли даволарни олганида соғайиб кетармиди? Бу касаллик билан оғриганлар муттасил бир неча йил даво-

ланишса, соғайиб кетиши мумкин экан. Касаллик даражасига қараб вақти-вақти билан врач тайинлаган дори-дармонларни олиб туриши ҳам яхши натижа бераркан. Бу ерда албатта, ота-оналарнинг ҳам айби каттадир. Балким бечоранинг шу касали уни тенгдошлари каби ўқиш ва ишлаш бахтидан маҳрум қилибгина қолмай, ақлий ривожланишига ҳам катта тўсқинлик қилгандир. Ўз айбидан сиқилиб, тортиган шўрлик қиз жониворлар билан тил топишиб, дардларини фақат уларга очгандир, сирлашгандир.

Ота-онасининг бағрини тилиб кетишга, кенг жаҳонни тарк этишга нима мажбур қилдирган? Бу каби саволлар миямда сарх уради.

Игирма саккиз ёшида қари ота-онасига боқимайда бўлгиси келмагандир. Оддий одамлардек яшаш, турмуш қуриш, фарзанд кўриш, ишлашига кўзи етмаганидан шундай қилгандир.

Агарда ақлий нотавон бўлганида, ўлим билан олишаётиб: «Онажон, мени кечиринг, сизнинг юрагингизга оғир қайғу-алам солиб кетаётирман, мени кечиринг», — деб илтижо билан узра сўрадимми? Яна ким билади дейсиз...

Лекин афсуски, унга ўхшаш касаллик билан оғриганлар жамиятимизда кам эмас. Бундай тоифадагилар учун махсус бир даволаш, кузатиш муассасаларининг йўқлиги ҳам ачинарлидир.

Очигини айтиш керакки, ўзбек оилаларида бундай фарзандлари борлиги қандайдир ғализ тушунчалар, андиша оқибатида яшириб келинади. Даволаш ўрнига уйга қамаб «пойлоқчи» қўйилади. Балким бунга эътироз билдирувчилар кўпдир. Ёнган бўлса, ақли сал занф, тутқаноғи бор бир қиз ёнгандир. Неча юзлаб ақли расо, турмуш қийинчиликларига дош беролмаган қизлар-жувонлар ёнганида биров келиб, қолганларнинг мушқулони осон этди? Йирик-йирик давлат миқёсига эга қурилишларга маблағ етмаётган, озиқ-овқат, кийим-кечак сотиб олинаётган бир пайтда бундай маскан қуриш кимнинг ҳаёлига келади. Етмиш тўрт йил узис амалладик, бу ёғи-чи?

Наҳотки, бундай беморларнинг тақдирини ҳеч кимни қизиқтирмас? Ҳаттоки, қаёқлардан келган дайдиларнинг ҳомийлари бор. Улар учун бошпана қуриш, шароитимизга мослаштириш, «ҳаётга» босқичма-босқич тайёрлаш ҳақида кимлардир астойдил қайғуришмоқда.

Аммо ақли занф бўлиб занф эмас, бутун бўлиб бутун эмасларнинг ўйлайдиганлари йўқ. Қачон бизларда энг юқори ўринга оддий инсон ҳаёти, заминий эҳтиёжлари қўйилади.

Хасталиги билан боғлиқ ўқини, ишлаш муаммоларининг одамга одамдек ёндашиб ҳал этадиган кунлар қачон келаркан?..

Қачон одам одам учун яшайди? Қачон яшашни ўрганамиз? Қачон яшаймиз...?

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА,
«Постда» мухбири.

ЎСМИР ВА ҚОНУН

ЖИЛОВ БЎШ ҚЎЙИЛГАЧ

Учовлон дўст эдилар, тез-тез бир-бирларининг уйларида бўлиб, базму жамшидлар қилишарди.

Бир кун суҳбат орасида Бунёд дўстлари Фазлиддин ва Алишерга уйда пуллари кўплигини мақтаниб қолди. Ота-онаси савдо соҳасида ишлагани учун ҳам Бунёднинг бу сўзи дўстларига бошқачароқ таъсир қилди.

— Қани эди, ўша пуллари-нинг бир қисми қўлимизга тушса, маза қилиб Тошкентни айланиб келардик, — деди уйига қайтаётиб Фазлиддин Алишерга. — Аммо бунинг учун «Спрут»дагидек тадбиркорлик ва чаққонлик керак.

Режани амалга ошириш учун улар шошилишмади. Бу орада янги ўқув йили бошланди, синфдошлар бошқа мактабларга бўлиниб кетишди.

Мактаблар узоқ бўлгани билан кўнгил яқин бўлгач, дўстлик ипи узилмади. Аксинча, Алишер билан Фазлиддин эндиликда мактабга хоҳласа боришар, бўлмаса йўқ эди. Улар туман марказида ёки бирон-бир хилватроқ жойда, хуллас, кун бўйи дайиб вақт ўтказишарди. Ўсмирларнинг бундай юриш-туришлари на ота-оналарни, на мактаб жамоасини ташвишга соларди.

Ниҳоят шу йилнинг 17 январь кунини улфатлар Бунёднинг уйи ёнида пайдо бўлишди. Мақсад — уларга тинчлик бермай келаятган пулни қўлга киритиш эди.


Дарвоза қўлфлигини кўрган икковлон ўзларини уйга уришди. Аммо кутилмаганда хонадаги ўн бир ёшли Ёкутойни кўриб қолган Алишер унга ташланиб, чойшаб билан ўраб ташлади. Унинг ўчириш учун бўлса керак бошига муштлади. Сўнгра уйни обдон кавлаштириб, тилла ва бошқа қимматбаҳо буюмларни олишди. Кетиб олдида Фазлиддин Ёкутойга пичоқ тираб: «Дамингни чиқарсанг, ўлдираман», — деди. Лекин уларнинг асосий ниятлари ушалмай қолди. Сандиқда пул йўқ эди.

...Иштихон туман ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари Илҳом Неъматов бошчилигида тузилган оператив гуруҳ жиноятчиларни бир мунча вақтдан сўнг қўлга туширди.

Тергов давомида эса Фазлиддин ва Алишерлар аввал содир этишган қатор қўғир ишларига ҳам иқроф бўлишди.

Улар суд олдида жавоб беришди, албатта. Лекин ўсмирларнинг назоратсиз қолишига сабабчи ота-оналар, мактабга бормай қўйганликларини суриштирмаган ўқитувчилар ҳам, ҳеч бўлмаса, виждонлари олдида жавоб берсалар ёмон бўлмас эди.

М. ҚУРБОНОВ,
Иштихон тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция капитани.
У. САИДОВ,
журналист.



ҒОЙИБ БЎЛГАН БУЮМЛАР

Оржоникидзе туманидаги Байтқўрғон қишлоқ Шўрси ҳудудида жойлашган пойтахтликлар дала ҳовлисининг 14 тасида ўғирлик содир бўлди, қолган 20 тасига шикаст етказиб кетилган. Ўғирланган моллар ичида 11 та телевизор, 4 та палос, 1 та велосипед, 2 та электр иситгич, ҳар хил кийим-кечаклар бор.

Оператив йўл билан жиноятчилар ушланди. Улар шу қишлоқлик ўсмирлар экан. Туман ИИБ жиноят қидирув бўлими маси ходими, милиция лейтенанти Убайдулла Отамуродовнинг изланиши натижасида буюмлар топилиб, бўлим биносига келтирил-

ди. 11 та дала ҳовли эгалари ўз буюмларини олиб кетишди.

Азиз ҳамшаҳарлар! Юрагингиз ва сабр-тоқатингиз, лоқайдлигингиз ва паришонхотирлигингизга балли-ей! Ойлар кетидан ойлар қувиб ўтган бўлса-да, наҳотки ўз дала ҳовлингиздаги ўзгаришларни сезмаган бўлсангиз?

Йўқолган буюмларингиз ғойибдан тушган кўринади. Акс ҳолда уларни излаб туман ИИБга мурожаат қилган бўлардингиз.

Ҳабиб ШУКУР.

СУРАТДА: эгасини кутаятган ўғирланган буюмлар. Муаллиф сурати.

ЙУЛИНГИЗ

ТУШСА...

Одам борки мақсадсиз бўлмайди. Ҳар кимнинг бошида ўз ташвиши бор. Лекин чайқовчиликдай ярамас иллат одамлар ташвишини орттирмақда.

Йўлингиз тушиб Чилонзор ва Октябрь туманлари орасидаги Оқтепа кўпригидан ўтар бўлсангиз, бу ердаги чайқовчилик билан шуғулланаётган кишиларни кўриб, табиатингиз хира тортади.

Бир дона «Родони» сигаретасининг нархи 3-4 сўм. Лекин икки туман ИИБ ходимлари ҳам уларга ҳеч қандай чора кўрмаётгани ажабланарли. Еки бу чайқовчиларнинг шахсий тамаки корхоналари борми?!

Б. МАЖИДОВ,
Тошкент шахри.

МУДИРНИНГ «МИСИ» ЧИҚДИ

Александр Скрябин асли бухоролик. «Тошкент-Китоб» поездида буфет мудирини бўлиб ишлайди.

«Ишнинг кўзини биладиган» бу одам Китоб темир йўл бекетида мўмай пул ишлаб олмақчи бўлди. Поезд тўхтаб турган маҳалда харидор Самад Нарзиевга беш блок «Интер» ва беш блок «Феникс» сигаретини 300 сўмга пуллади. Лекин 250 сўм «соф даромад» топган А. Скрябиннинг қувончи узоққа чўзилмади. Уша пайтнинг ўзидаёқ Шаҳрисабз ИИБ БХСС ходими, милиция катта лейтенанти Тўра Бердиев томонидан қўлга олинди.

Начора, энди унинг судда, қора курсида ўтириб, қилмиши учун жавоб беришига тўри келади.

Р. УСМОНОВ.

ЁШЛАРГА ОДОБ ЎРГАТАЙЛИК

биявий ишлар олиб бориламоқда. Тарбияси оғир ўсмирлардан 8 нафарни туман ижроқўми қопидаги балоғатга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссияда муҳокама қилинди.

ИИБга келтирилган 67 ўсмирнинг 43 нафари ўрта мактаб ўқувчилари, 17 нафари ҳунар-техника билим

юрти талабалари эканлиги гоёт ачинарлидир. Бу мактабларда, билим юрғларида таълим-тарбиянинг, касбга, ҳунарга йўлланнинг яхши ташкил этилмаганидан далолат беради. Бу масаланинг бир томони, иккинчидан ота-оналар томонидан улар одобига аҳамият бермаслик. Кўп ҳолларда ота-оналар фар-

зандларининг маслаҳатчиси, кўмакдоши, сирдоши бўла олишмапти ва мактаб, билим юрти мураббийлари зиммасига ўз бурчларини ҳам юклаб қўйишмоқда. Кўпчилик болалар эса ота-онаси томонидан мутлақо тергалмайди. Агарда фарзанд одобига уйда ўрганса, кўчалардагиларнинг ўргатишига муҳтож бўлмайди.

Б. ЙУЛДОШЕВ,
милиция капитани.

Хоразм вилояти Шовот тумани ИИБда ёшлар ўртасида жиноятчиликка қарши фаол кураш олиб бориламоқда. Шунга қарамай қонуinchиликнинг бузилиш ҳоллари учраб турибди. Чунончи ўтган йили туманда 67 нафар вояга етмаганлар томонидан ҳар хил жиноий ҳаракатлар содир этилган. Уларнинг 29 нафари балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекциясида ҳисобга олиниб, тегишли тар-



ЮТГАНИНГ ЎЗИНГНИКИ, ЧАЙНАГАНИНГ...

МИННАТДОРМАН

— Хо-хо-хо...
— Хушёрбек, сенга нима бўлди? Енгоқнинг тагида ухлаган одамга ўхшаб намунча хохолайсан?
— Э, ака, сиз ҳам менга кўшилиб кулаверсангиз бўлмайдингизми? Қўрқманг, ҳақингиз кетмайди. Ичакузди бир воқеани айтиб бераман.
— Гапинг қизиқ бўлди-ю. Афандидан эшакнинг думи қани, деб сўрашса, хуржунда, деб жавоб қилган экан. Олдин эшитайлик, бундоқ.
— Яхши, қулоқ солинг бўлмаса. Бу воқеани менга Китоб тумани ИИБ терговчиси, милиция лейтенанти Уктам Худойбердиев айтиб берди. Шу тумандаги Зарафшон давлат хўжалигидаги Янғобод қишлоғида Ислон Хуррамов номли бир шахс бор экан. Вей, ака, сут билан кирган жон билан чиқади, деганлари юз фоиз тўғри экан. Ислон кимгадир тан жароҳати етказгани учун бир эмас — икки марта судланган экан. Яна битта мақол эсимга келиб қолди, айтиб олай: букрини гўр тузатар. Мана бу гапининг маъзини чакинг.
— Намунча гапини лағмондай чўздинг?
— Ҳозир, ака, ҳозир. Шу

йигитнинг кўнгли яна ўғирлик қилишни тусаб қолибди. Бунинг ҳам хумори бўларканда.
Хуллас, у ҳамтовоқлари Р. Маҳмудов, Т. Шукуров ва А. Усмоновларни атрофига чорлаб, маслаҳатни қуюқ қилишибди. И. Хуррамов билан Р. Маҳмудовлар шу қишлоқдаги У. Нормуродовнинг сигирини ўғирлайдиган, қолган икки киши эса юк машинаси билан уларни белгиланган жойда кутиб турадиган бўлишибди.
— Оббо, ҳаромтомоқларей!
— Шошманг, шайтонга ҳай беринг, ака. Давомини эшитинг.
Шундай қилиб, 27 декабрь куни ярим тунда белгиланган объектга — У. Нормуродовнинг уйига равона бўлишибди. Сездирмай оғилхонага киришибди. Қарашса, бай-байбай, «ой деса ойдаи, кун деса кундай» говмуш, йўғ-е, ўлжа кавш қайтариб ётганмиш. Секингина арқонни ечиб, кўчага қараб атаклашибди. Лекин... хо-хо-хо, катта кўчада 2 минг 500 сўмлик «ўлжа» ангорга қараб чунонам қочиб берибдики, тунги ўғирлар икки қўлни бурунга тикиб қолаверишибди...

— Хо-хо-хо, ўлдирдинг, ваҳ-ҳа-ҳа...
— Утган ишга саловот, — дейишибди ўғирлар. Лекин арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас, деган гаплар бор. Таваккал, деб шу қишлоқлик Х. Очиловнинг деворидан ошиб тушишибди.
— Энди эҳтиёт бўл, — шивирлабди Ислон ҳамроҳига нўписа аралаш. — Қўйиб юборсанг, худди каллангни...
Яна эсон-омон кўчага чиқиб олишибди. Лекин бу сигир ҳам терс экан. Арқонни қўларига ўраб олган Раҳматни лофи билан бир чақирим жойгача судраб борибди. Ислон олдидан тўсмоқчи бўлган экан, чунонам сузибдики, бечоранинг юз-кўзлари моматалоқ бўлиб кетибди.
— Қўйвор, йўқолиб кетсин! — деб юборибди оғриққа чиқолмай. Шундай қилиб, бу сигир ҳам кенг далага қараб ўйноқлаб қочибди.
— Ҳа-ҳа-ҳа, бўлди қил, биқинларим оғриб кетди, воҳ-хо-хо!
— Лекин икки улфатнинг отдан тушса ҳам, эгардан тушгилари келмабди. Б. Бойқуватовнинг боқувдаги сигирига шундай мўлтираб боқишибдики, агар уларни шу ал-

фозда кўрганида раҳми келганидан уй эгасининг ўзиёқ молни ўғирлашларига ёрдам берорган бўларди. Қисқаси, титраб-қақшаб сигирни дарвозадан олиб чиқишибди. Узунқисқа бўлиб, ўртада 1 минг 200 сўмлик сигир, Китоб-Оёқчи йўлида бетоқатликдан ер тепиниб турган ҳамроҳлари ёнига боришибди. Минг азоб-укубат билан 48-62 КФЛ рақамли «ГАЗ-53» белгили машинага тўрт оёқли ўлжани ортишибди. Тўппа-тўғри Шаҳрисабз туманидаги Гулистон жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи қассоб Райим Хуррамовнинг уйига боришибди. Сигирни шу ерда қолдиришибди.
— Оббо, тинчимаганларей, барибир ниятларига етишибдида.
— Йўқ, «берди»сини айтгунча шошилмангда.
Эртаси кунёқ Китоб тумани ИИБ жиноят қидирув бўлинимаси ходимлари Саид Мирзаев, Нормамат Давировлар бу сирни фош этишибди.
— Хо-хо-хо, бўлди-бўлди, энди яна бир марта оғзингни очсанг, ичагим узилиб кетади. Ҳа-ҳа-ҳа.
Хушёрбекиннинг котиби Р. ҚОСИМОВ.

Яқинда Наманган шаҳрида яшовчи Улуғ Ватан урушининг II-даражали ноғирони Аҳмедгазиз Аббазовдан мактуб олдик. Унда миннатдорчилик сўзлари битилганди. Бу бекорга эмас.
Яхшиси, нима бўлганини айтиб берақолай. Шу йил 28 январь кунини соат бешларда «Чинор» постида турган ДАН ходими катта тезликда келаётган енгил машинани тўхтатиб, текшириб кўрмоқчи бўлади. Навбатчининг ишорасини сезган машинадагилар поста етмасдан уни кескин тўхтатади ва машинадан 4 нафар ёш йигитлар тушиб, турли томонга қочиб қолади. Навбатчи вақтни ўтказмасдан бўлимга хабар беради. У эса шу заҳоти тунги патрул-пост ходимларини бу воқеадан огоҳ этади. Патрул-пост хизматидаги бўлинима командири Абдусалом Қўшматов ва Тоҳир Шодиматов, Турдиали Усмонов, Абдумуталиб Шарофовлар шаҳар кўчаларини кўздан кечира бошладилар. Зимниё кўчаларда бирор кимса қораси кўринмасди. Вақт эса тартиббузарлар фойдасига ишларди. Чунки тонг отай деб қолган, одамлар ишга бориш учун отлана бошлаган эди. Улар келишиб, 29-автобаза томон юришди.
Автобаза олдида енгил машина ҳайдовчиси билан гаплашиб турган йигитлар милиция ходимларининг эътиборини жалб этди. Эрта тонг сахарлаб йўлга тушган йўловчилардан хужжат кўрсатишларини талаб этилганда, уларда ўзгарин пайдо бўлди.
Текширув натижасида бу кимсалар Наманган шаҳридан машина ўғирлаганлиги ва ДАН постида уни қолдириб, ўзлари қочиб кетишга уринганлиги аниқланди. Шундан сўнг Наманган шаҳрига хабар қилиниб, ички ишлар бўлими ходимларига машина ва унинг ўғирлари топширилди.
«Мен ана шундай софдиш ҳалол милиция ходимлари хизматидан миннатдорман, — деб ёзади Аҳмедгазиз ака ўз мактубида. — Ниятим, шундай инсонлар сафни кенгайверсин».
Носир УМАРОВ, Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори.

БИРИНЧИСИ ВА ... ОХИРГИСИМИ?

16 март куни олий лига командалари ССЖИ биринчилигининг навбатдаги ўйинларини ўтказдилар. «Пахтакор» бу сафар ўз майдонинда Днепрпетровскининг «Днепр» жамоасини қабул қилди.

Учрашув футболчиларимизнинг фаол ҳаракатлари билан бошланди. Икки дақиқалардаёқ улар рақиблар дарвозаси олдида бир неча марта хавфли вазиятларни юзага келтирдилар. Натижа бесамар кетмади. 15-дақиқада А. Пятницкий тепган тўп дарвоза чизигини кесиб ўтди. «Днепр» дарвозабони коптонни тўрдан олиб чиқишга мажбур бўлди. Лекин...

«Днепр» жамоаси олий лиганинг энг кучли командаларидан бири эмасми, бу киририлган тўпдан руҳан тушмади. Учрашувнинг 40-дақиқасида бурчакдан тепилган тўпни чирраёли қабул қилиб олган

В. Тишенконинг бехато зарбасидан сўнг ҳисоб тенглашди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас, пахтакорчилар яна доғда қолишди. Бу сафар ҳам тўп бурчакдан оширилди. Рақиблар ўйинчиси Э. Сон уни дарвоза тўрига йўллади.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида ҳисоб ўзгармади. Уйингоҳини тарк этаётган мухлислар кўзида умидсизлик учкунлари кўринарди. Шунда бир ишқибозининг сўзларини эшитиб қолдим:

— Ҳа, бу йил асаббузарлик йили бўлади. Ахир, энди тетапоя бўлаётган гўдақдан юғурини талаб қилиб бўлмайдику. На илож, чидаймиз.

Менимча, энг ўринли мулоҳаза ҳам шу.

«Пахтакор» кейинги икки ўйинини сафарда ўтказди.

Эркин САТТОРОВ,
«Постда» муҳбири.



Хоразм вилоятидаги Дўстлик шаҳар ИИБ участка вакили милиция лейтенанти Ярашбой Аҳмедов хизматни бундан саккиз йил бурун оддий милиционерликдан бошлади. Эл тинчлиги йўлида елиб-юғуриш билан бир вақтнинг ўзида Тошкент ўрта махсус милиция мактабини сирдан ўқиб битказди. Топшириқларни виждонан бажарадиган йигитни офицерлик лавозимига лойиқ топишди.

СУРАТДА: милиция лейтенанти Я. Аҳмедов штатсиз участка инспектори, 2-қурилиш-пайвандлаш бошқармаси ишчиси Илҳом Саидов билан навбатдаги вазибале ҳақида суҳбатлашмоқда. Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

Тунги ишқ алвастилари

Сирғали тумани худудида «Тери-таносил диспансери» деб аталувчи махсус шифохона мавжуд. У ерга даволаниш учун одамлар ихтиёрий равишда кам боришади. Аксинча, даволанаётганлар қочиб кетишга уринадилар. Шунинг учун ҳам шифохона атрофи баланд деворлар билан ўралган, эшик олдида милиция ходимлари тун-кун қўриқчилик қилишади.

Қизиқ, улар кимлар? Қанақа касаллик билан ёрриган дейсизми? Ажабланманг. Буни ҳеч бир ажабланадиган жойи йўқ. Чунки бу ерда пул топиш учун муҳаббат бозорида жавлон урадиган енгил оёқ хонимчалар-у, ҳаром пул қутуртириб, машатга муккасидан кетган бойваччалар даволанади...

«Аёл» деган муқаддас номни оёқости қилган бундай беномусларни кўзлари ёниб «ўлжа» пойлаб турган пайтида милиция ходимлари ушлаб келишади.

— Ҳар бир бемор учун кунига 10 сўмдан ортиқроқ маблағ давлат хазинасидан сарфланади. Лекин энг алам қиладиган жойи шундаки, баъзилари бир ой ўтар-ўтмас

яна милиция ҳамроҳлигида остонамиздан ҳатлаб ўтишади. Текшириб кўрсак, тагин дардга чалинган бўлиб чиқади, — дейди бош шифокор Соат ака Шукуров. — Шунинг учун бундайларга қарши нафақат маъмурий, балки қаттиқроқ бошқа жазо қўллаш керак.

Бош шифокорнинг сўзларида жон борга ўхшайди, аммо ўйланиб қоласан, киши. Уларга қарши яна қандай жазо қўллаш мумкин? Наҳотки шу билан бундайлар батамом йўқолиб кетса? Ишонинг қийин. Қадимда зино билан шуғулланадиган беҳаёлларни минорадан ташлашар экан. Шундай бўлсада, бу йўл билан жазоланганлар тез-тез топилиб турар экан. Қадимдан одоб-ахлоқда қаттиққўллик ҳукм сурган ўлкамиз ҳуснига доғ бўлиб тушган бу касалхона қачон қурилди?

— Зилзиладан кейин, тахминан 70-йилларнинг боши-

да бўлса керак, — дейди тартиб ва назорат ишлари бўйича бош шифокор ёрдамчиси Омонгелди Бегаев.

— Тошкент вайрон бўлгач, ёрдам бериш учун иттифоқнинг тўрт тарафидан минглаб яхши одамлар қаторида юзлаб нопок кимсалар ҳам келди. Ишга қабул қилишда кимсан, қаердансан, деб сўраб ҳам ўтирилмасди. Катта маош, «палатка» уй, бир оз ишлагач эса, данғиллама уй тайёр эди. Уларнинг кўрсатган қаромати учун бу касалхонага эҳтиёж сезилган.

— Мен аниқ эслайман, — деб суҳбатга қўшилди даволоччи шифокор Тошқул Уразаев. — Бу жой бизнинг жамоа хўжалигимизга қарашли ерлар эди. Дастлаб беморлар палаткаларда ётиб даволанишарди. Менинг назаримда, уларнинг сони 500 дан ҳам кўп эди. Ушанда беҳаё беморларнинг асосий қисмини ёрдам беришга келган қурувчи қизлар-у, эҳтиросли,

шўх ўзбек йигитлари ташкил этарди.

Орадан йиллар ўтди, шифохона фаолияти ҳамон давом этмоқда. Энг даҳшатлиси — дастлабки вақтларда шўх ўзбек йигитлари даволанган бўлса, энди аёлларимиз ҳам. Зилзила келтирган вайронгарчиликни тугатдиғу, бироқ «қурувчи қизлар»дан қолган сирли касалликдан ҳанузгача халос бўла олмаётимиз. Ўтган йил 16 декабрь куни кечаси шаҳар милицияси ходимлари томонидан 8 нафар шубҳали шахс қўлга олинди, касалхонага келтирилди. Текширув натижасида ленинградлик меҳмонлар хаста эканлиги аниқланди.

— Нима учун келдинглар? — деб сўрадик.

— Бу ерда тўқин-сочинлик экан, — деб жавоб берилди.
Шаҳримизга Қизил Ўрдан келиб қолган Галина эса, бизда дўконлар бўм-бўш, бу ерда истаган нарсанинг то-

пишинг мумкин, дейди.

Унинг қоғоз сумкаси болаларнинг ҳар хил кийим-кечаклари билан лиқ тўла. Бизда харидорнинг паспортни ёки бошқа бирор хужжати бўлмаса, ҳеч нарса сотилмайди. Галинанинг молли бўлишида, аниққи, ҳожатбарор бойваччалар ҳиссаси бор.

Яқинда танишим бир воқеани сўзлаб берди. Унинг ҳамқишлоғи Тошкентга иш билан келиб, «Россия» меҳмонхонасида икки кун ётади. Тунги ишқ алвастилари унинг чўнтаги «семизлиги»ни сезиб, бошини айлантирган бўлишса керак, қишлоғига бориб, ўзини ноҳуш сезади. Ёрдам сўраб шифохонага мурожаат этади. Врачлар атрофлича текшириб кўришса, касалликни хотинига ҳам юқтиришга улгурган экан. Уйлаймизки, биргина милиция ходимлари ҳаракати билан тобора маддалаб кетаётган бу маразни бартафат этиб бўлмайди. Ишқилиб, ҳамюртларимизга инсоф берсин. Жажжи фарзандлар, мунис аёллар ҳурмати уларни ёмон йўлдан қайтариб турсин.

Шавқияддин САМИЕВ.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизия Байроқ ордени билан боғланган. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир — 32-38-86,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
УзССР